

## № 39 сонли пудрат шартномаси

Ш.Рашидов тумани

“ 15 ” Август 2022 йил

Сирдарё-Зарафшон ИТХБ хузуридаги Насос станциялари ва энергетика бошқармаси (кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритилади) номидан низом асосида фаолият юритувчи раҳбари Т.Хамзаев ва “ANGREN SPECIAL ELECTRO REPAIR” МЧЖ кейинги ўринларда “Пудратчи” деб юритилади) номидан низом асосида фаолият юритувчи жамият раҳбари А.А.Норхўжаев лар мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

### 1. Шартнома предмети

1.1. Пудратчи ўз зиммасига буюртмачининг топшириғига кўра ўз материалларидан фойдаланиб: мазкур шартноманинг 1.2.-бандида кўрсатилган ишларни бажариш ва унинг натижасини буюртмачига топшириш мажбуриятини олади, буюртмачи эса ишларнинг натижасини қабул қилиб олиш ва бунинг учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Пудратчи кейинги ўринларда “Ишлар” деб аталадиган қуйидаги ишларни бажариш мажбуриятини олади:

#### НС ва ЭБ тасарруфидаги Ш.Рашидов туманида жойлашган “Зилол” насос станциясининг №1 агрегатидаги 400 Д 190 русумли насосини ялпи таъмирлаш

1.3 Пудратчи ишларни ўзининг материалларидан, ўзининг асбоб-ускунасида ва ўзининг инструментлари билан бажаради.

1.4 Ишларни бажариш муддати:

Шартнома ғазначилик органларида рўйхатга олингандан кейин шартнома қийматининг 30% миқдорида бунақ туловларини амалга оширади.

1.4.1. Ишлар буюртмачи ёки унинг ваколатли вакили томонидан ишларни қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзолангандан кейин бажарилган деб ҳисобланади.

### 2. Шартноманинг баҳоси ва ҳисоблашишлар тартиби

2.1. Буюртмачи Пудратчига шартнома буйича умумий қийматнинг 30% аванс утказиши билан қолган қисми бажарилган иш буйича туланади. Мазкур шартноманинг баҳоси 14 000 000 (Ўн тўрт миллион) сўмни ташкил қилади.

2.2 Ушбу шартнома буйича тулов пул утказиши йўли билан тулов топшириқнома асосида амалга оширилади.

2.3. Буюртмачи томонидан пудратчига шартнома баҳосини тўлаш бажарувчининг мазкур шартномада кўрсатилган ҳисоб-китоб ҳисобварағига пул маблағларини кўчириши йўли билан амалга оширилади.

### 3. Мажбуриятларнинг бажарилиши муддати

3.1. Буюртмачи умумий шартнома қийматининг 30% миқдорида бунақ туловларини амалга оширади. Ишларни қабул қилишда аниқланган нуқсон ва камчиликларни бартараф этиш ишлари тўлиқ ҳажмда бажарилгандан сўнг 20 (йигирма) банк кун муддатдан кечиктирмасдан қолган туловни амалга оширади.

3.1 Мазкур шартнома ғазначилик органларида рўйхатга олингандан кейин кучга киради ва «31» декабрь 2022 йилгача амал қилади.

### 4. Тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

#### 4.1. Пудратчининг мажбуриятлари:

4.1.1. Ишларни лозим бўлган сифатда бажариш.

4.1.2. Объектга лойихага биноан зарур булган материалларни, конструкцияларни, бутловчи ашёларни етказиб бериш ва уларни қабул қилиш, тушириш, тахлаш ҳамда сақлашни амалга ошириши;

4.1.3. Ушбу шартнома буйича ишларни бажариш учун жалб қилинадиган махсус ташкилотлар билан субпудрат шартномаларини тузгани туғрисида буюртмачига ахборот бериши ва у томондан ишларнинг бажарилиши юзасидан назоратни таъминлаши;

4.1.4. Ишларнинг натижасини буюртмачига топшириш.

4.1.5. Агар пудратчи ишларни бажариш жараёнида шартнома шартларидан ишларнинг сифатини ёмонлаштиришга олиб келадиган четга чиқишга йўл қўйган бўлса, буюртмачининг талабига биноан аниқланган барча камчиликларни 15 кун ичида текинга бартараф этиш.

4.1.6. Техника хавфсизлиги, ёнғин хавфсизлиги ва объектни қўриқлаш бўйича зарурий чора-тадбирларнинг бажарилишини таъминлаши;

4.1.7. Ишларни шахсан бажариш.

#### 4.2. Буюртмачининг мажбуриятлари:

4.2.1. Пудратчидан ишлар тугалланганлиги ҳақида хабарнома олгандан кейин \_\_3\_ кун ичида ёки мазкур шартномада кўрсатилган ишларни натижасини кўриб чиқиш ва қабул қилишда шартномадан четга чиқишлар ёки ишлардаги бошқа камчиликлар аниқланганда, булар ҳақида пудратчига дарҳол хабар бериш.

#### 4.3. Буюртмачи куйидаги ҳуқуқларга эга:

4.3.1. Ҳар қандай вақтда пудратчининг фаолиятига аралашмаган ҳолда у томонидан бажариладиган ишларнинг бориш жараёни ва сифатини текшириш.

4.3.2. Буюртмачи иш натижаси ўзига топширилгунга қадар истаган вақтда шартномадан воз кечиб, белгиланган баҳонинг буюртмачи шартномани бажаришдан воз кечганлиги тўғрисидаги хабарнома олингунга қадар бажарилган ишлар қисмига мутоносиб қисмини пудратчига тўлаш. Бунда буюртмачи пудратчига шартноманинг бекор қилиниши туфайли етказилган зарарни бажарилган ишнинг баҳоси билан ҳамма иш учун белгиланган баҳо ўртасидаги фарқ доирасида тўлаши ҳам шарт.

### **5. Тарафларнинг жавобгарлиги**

5.1. Пудратчи мазкур шартноманинг 2.1 -бандида кўрсатилган ишларни бажариш муддатини бузганлиги учун буюртмачига шартнома суммасидан \_10\_% миқдорда жарима ва ҳар бир кечиктирилган кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорда пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар баҳосининг 50 фоиздан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

5.2. Бажарилган ишлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун буюртмачи пудратчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорда, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

5.3. Мазкур шартномада кўзда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлик чоралари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилувчи фуқаролик қонунчилиги меъёрларига мувофиқ қўлланади.

5.4. Неустойка тўлаш тарафларнинг улар олдида турган мажбуриятларини бажаришдан ёки шартларнинг бузилини бартараф этишдан озод этмайди.

### **6. Кафолатлар**

#### **6.1. Пудратчи:**

- ✓ Барча ишларни тулиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;
- ✓ Лойиха ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қодалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларини сифатли бажаришни;
- ✓ Ўзи томонидан капитал таъмирлаш учун қўлланаладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, қонструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха ҳужжатларида кўрсатилган сертификатларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларига мувофиқлигини;
- ✓ Ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг қафолатли даврида аниқланган камчиликларни ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилиш;
- ✓ Объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қодаларига мувофиқлигини қафолатлайди.

6.2. Объект ва унга қирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг қафолатли муддати томонлар капитал таъмирлаш тугалланган объектни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида 12 ой этиб белгилайди.

6.3. Агар объектдан фойдаланишнинг қафолатли даврида аниқланиб, уларни бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имкони бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда қафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш давригача узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

6.4 Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чиқиш “Давархитектқурилишнадзорат” инспекцияси томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича хужалик судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

### **7. Форс-мажор ҳолатлари**

7.1. Ҳеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ва енгил бўлмас куч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас. (Уруш эълон қилиниши ёки бошланиши, фуқаролар тартибсизлиги, эпидемия, эмбарго, ер қимирлаши, сув тошқини, ёнгин ва бошқа табиий офатлар шулар жумласидандир.)

7.2. Бартараф қилиб бўлмайдиган кучларнинг мавжудлиги ёки амалда давом этаётганлигини Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг шунга оид қарорлари ёки бошқа вақолатли органлар томонидан берилган гувоҳномалари унинг етарли даражадаги тасдиғи бўлиб ҳисобланади.

7.3. Ўз мажбуриятини бажармаган тараф шартнома бўйича мажбуриятни бажаришга унинг таъсир кўрсатиши ёки монелик қилиши тўғрисида бошқа тарафга имкон қадар тезда хабар бериши лозим.

## 8. Низоларни ҳал этиш тартиби

8.1. Мазкур шартномани бажаришда юзага келадиган низолар ва келишмовчиликлар тарафлар ўртасида имкон қадар музокаралар йўли билан ҳал этилади.

8.2. Низоларни тарафларнинг музокаралари йўли билан ҳал этиш имкони бўлмаган тақдирда, тарафлар келишмовчиликларни бартараф этиш борасида қонунчиликда кўзда тутилган судгача бўлган жараёнларни амалга оширилганларидан сўнг уларни Жиззах вилоят Иқтисодий судида кўриб чиқишга топширадилар.

## 9. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби

9.1. Ушбу шартномага ҳар қандай киритилган қўшимча ва ўзгартишлар ёзма равишда расмийлаштирилиб, ҳар иккала тараф имзолаган ва Ҳазначилик органидан рўйхатдан утгандан сўнг кучга эга бўлади.

9.2. Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш тарафларнинг келишуви буйича ёхуд Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Фуқаролик кодекси ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган асослар буйича, етказилган зарарларни қоплаш билан амалга оширилиши мумкин.

9.3. Буюртмачи қуйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

-Пудратчининг айби билан ишларнинг боришини сусткашлик билан тухтатиб турилиши, яъни ушбу шартномадаги ишларнинг тамом бўлиш муддати бир ойдан кўпга ошиб кетганда;

-Пудратчининг шартнома шартларини бузиши натижасида лойиҳада кўрсатилган ишларнинг сифати пасайганда.

9.4. Пудратчи қуйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

-Буюртмачи томонидан пудратчига боғлиқ бўлмаган сабаблар буйича қурилиш-монтаж ишларининг боришини бир ойдан ошадиган муддатга тухтатиб турганда;

-Буюртмачи томонидан кейинчалик ишларни молиялаш имконияти йўқотилганда.

9.5. Буюртмачи ва пудратчининг биргаликдаги қарори буйича шартнома бекор қилинганда, буюртмачига тугатилмаган қурилиш топширилади, буюртмачи эса пудратчига улар томонидан аниқланган бажарилган ишларнинг ҳажми кийматини тулайди.

9.6. Шартномани бекор қилишга қарор қилган тараф бошқа тарафга ёзма хабарнома юборади.

## 10. Яқуний қондалар

10.1. Мазкур шартномага киритиладиган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар, улар фақат ёзма шаклда тузилиб, тарафларнинг бунга ваколатли вакиллари томонидан имзоланганидан ва Ҳазначилик органидан рўйхатдан утгандан сўнг ҳақиқий ҳисобланади.

10.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилди. Иккала нусха айнан бир хил ва тенг кучга эга. Тарафларнинг ҳар бирида мазкур шартноманинг бир нусхаси мавжуд.

10.3 Шартномага илова:

## 11. Тарафларнинг манзиллари ва банк реквизитлари

«Буюртмачи»

Насос станциялари ва  
энергетика бошқармаси

(бюджетдан маблағ олувчининг номи)

«Пудратчи»

"ANGREN SPECIAL ELECTRO REPAIR" МЧЖ

(номи)

Манзил: Ш.Рашидов тумани Оби-хаёт даҳаси

Тел./факс 0-595-504-09-61

х/р 100021860082127042402170003

Банк номи Марказий банк ББХККМ Тош. Шаҳар

х/в\*\* 23402000300100001010

МФО 00014 СТИР 202390055

ОКОНХ 22100

Ҳазначилик бўлинмаси номи. Ўзб-н Рес-си Молия

Вазирлиги Ҳазначилиги ягона ҳисоб варағи

Ҳазна х/в \_\_\_\_\_

Банкнинг номи Марказий банк ББХККМ Тошкент шаҳар

МФО 00014

ҳазначилик бўлинмаси СТИРи 201122919

Манзил: Тошкент вилояти, Ангрен шаҳри Дустлик кучаси, 27 А-уй

Тел.: (+99899) 854-82-05

Х/Р: 2020 8000 1054 7016 4001

Банк номи: АТБ «Микрокредитбанк» Пискент ш.

МФО: 00473, СТИР: 309117653

ОКЭД: 33140

Раҳбар



Раҳбар

А.А.Норхужаев

Юрист

О.К.Убаев

**Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 131060 на приобретение Ш.Рашидов туманида жойлашган "Зилол" насос станциясининг №1 агрегатига ўрнатилган 400Д190 насосини ялпи таъмирлаш**

Способ проведения электронный

Дата 10.08.2022

Время рассмотрения 10.08.2022 10:56

Конкурсная комиссия Сирдаре-Зарафшон ирригация тизимлари хавза бошкармаси хузуридаги Насос станциялари ва энергетика бошкармаси, (Далее – Комиссия) в составе:

<b>Председатель комиссии</b>	XAMZAYEV TO'LKIN ASHIMOVICH	Бошқарма бошлиғи	Жиззах НС ва ЭБ
<b>Секретарь комиссии</b>	XUDAYQULOV JAXONGIR EGAMBERDIYEVICH	IchTB boshlig'i	Jizzax NS va EB
<b>Член комиссии</b>	XAJIYEV SHAROF ABDUJALILOVICH	Bo'lim boshlig'i	Jizzax NS va EB
<b>Член комиссии</b>	TAVBAYEV ABDUXALIL MAVLONOVICH	Bo'lim boshlig'i	Jizzax NS va EB
<b>Член комиссии</b>	DONIYOROV YORQIN TOLIPOVICH	Бош хисобчи	Jizzax NS va EB
<b>Член комиссии</b>	SUYUNOV ZAFAR QUVONDIQ O'G'LI	Boshliq o'rinbosari	Jizzax NS va EB

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 10.08.2022 года № лота 131060.

Метод оценки предложений – Метод наименьшей цены

Мин. балл: 0

Предмет закупки:

<b>Наименование товара (работы, услуги)</b>	<b>Услуги по капитальному ремонту электродвигателя</b>
Подробное описание	Ш.Рашидов туманида жойлашган "Зилол" насос станциясининг №1 агрегатига ўрнатилган 400Д190 насосини ялпи таъмирлаш
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	18 405 320.00
Стартовая сумма	18 405 320.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Корхонанинг керакли техника ва транспортлари бўлиши шарт

Тип: Текстовое значение

Описание: Корхонанинг керакли техника ва транспортлари бўлиши шарт

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
VIBERIMETALL	25	18000000	1	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>MCHJ</b>						
<b>JIZZAX FAVQULOTDA XOLATLARNI OLDINI OLISH MCHJ</b>	25	Корхонанинг керакли техника ва транспортлари бўлиши шарт	1	Экспертная		
<b>ANGREN SPECIAL ELECTRO REPAIR MCHJ</b>	25	Маълумотнома	1	Экспертная		

Критерий №2 Танловда иштирок этадиган корхонанинг доимий ишчилари тўғрисида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Танловда иштирок этадиган корхонанинг доимий ишчилари тўғрисида маълумот

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>VIBERIMETALL MCHJ</b>	25	18000000	1	Экспертная		
<b>JIZZAX FAVQULOTDA XOLATLARNI OLDINI OLISH MCHJ</b>	25	корхонанинг доимий ишчилари тўғрисида маълумот	1	Экспертная		
<b>ANGREN SPECIAL ELECTRO REPAIR MCHJ</b>	25	Умумий маълумот	1	Экспертная		

Критерий №3 Танловда иштирок этадиган корхонанинг айланма маблағ ҳақида маълумотлари ва гувоҳномаси

Тип: Текстовое значение

Описание: Танловда иштирок этадиган корхонанинг айланма маблағ ҳақида маълумотлари ва гувоҳномаси

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>VIBERIMETALL MCHJ</b>	25	18000000	1	Экспертная		
<b>JIZZAX FAVQULOTDA XOLATLARNI OLDINI OLISH MCHJ</b>	25	корхонанинг айланма маблағ ҳақида маълумотлари ва гувоҳномаси	1	Экспертная		
<b>ANGREN SPECIAL ELECTRO REPAIR MCHJ</b>	25	Гувоҳнома	1	Экспертная		

Критерий №4 Танловда иштирок этадиган корхонанинг солиқ ва бошқа идоралардан қарздорлиги мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Танловда иштирок этадиган корхонанинг солиқ ва бошқа идоралардан қарздорлиги мавжуд эмаслиги

тўғрисида маълумот

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
VIBERIMETALL MCHJ	25	18000000	1	Экспертная		
JIZZAX FAVQULOTDA XOLATLARNI OLDINI OLISH MCHJ	25	корхонанинг солиқ ва бошқа идоралардан қарздорлиги мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумот	1	Экспертная		
ANGREN SPECIAL ELECTRO REPAIR MCHJ	25	Солиқдан маълумотнома	1	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
JIZZAX FAVQULOTDA XOLATLARNI OLDINI OLISH MCHJ	18 405 320.00	15 000 000.00 UZS	15 000 000.00	00.00	15 000 000.00	08.08.2022 21:10:57	93.33
VIBERIMETALL MCHJ	18 405 320.00	18 405 320.00 UZS	18 405 320.00	00.00	18 405 320.00	07.08.2022 20:08:47	76.06
ANGREN SPECIAL ELECTRO REPAIR MCHJ	18 405 320.00	14 000 000.00 UZS	14 000 000.00	00.00	14 000 000.00	09.08.2022 21:56:11	100.00

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
JIZZAX FAVQULOTDA XOLATLARNI OLDINI OLISH MCHJ	Прошел	93.33	93.33
VIBERIMETALL MCHJ	Прошел	76.06	76.06
ANGREN SPECIAL ELECTRO REPAIR MCHJ	Прошел	100	100

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 131060 от 10.08.2022 года на приобретение Ш.Рашидов туманида жойлашган "Зилол" насос станциясининг №1 агрегатига ўрнатилган 400Д190 насосини ялпи таъмирлаш определила победителем:

ANGREN SPECIAL ELECTRO REPAIR MCHJ  
309117653

и резервный исполнитель: JIZZAX FAVQULOTDA XOLATLARNI OLDINI OLISH MCHJ (305809561)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
<b>Председатель комиссии</b>	XAMZAYEV TO'LKIN ASHIMOVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	XALIYEV SHAROF ABDUJALILOVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	TAVBAYEV ABDUXALIL MAVLONOVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	SUYUNOV ZAFAR QUVONDIQ O'G'LI	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП



«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Сирдарё-Зарафшон ИТХБ хузуридаги  
насос станциялари ва энергетика  
бошқармаси бошлиғи

Т.Хамзаев  
2022 йил

«Сирдарё-Зарафшон» ИТХБ хузуридаги Насос станциялари ва энергетика бошқармаси танлов комиссиясининг Ш.Рашидов туманида жойлашган "Зилол" насос станциясининг №1 агрегатига ўрнатилган 400Д190 русумли насосини ялпи таъмирлаш ишлари бўйича 131060 -сонли лотга асосан ўтказилган электрон танловга асосан  
**ШИКОЯТ ТУШМАГАНЛИГИ ТЎҒРИСИДА  
БАЁННОМАСИ № 39**

2022 йил 15 Август

Ш.Рашидов тумани.

### КОМИССИЯ ТАРКИБИ

- |                        |                                     |
|------------------------|-------------------------------------|
| 1. Суёнов Зафар        | - Бошлиқ ўринбосари комиссия раиси  |
| 2. Худайкулов Жаҳонгир | - ИЧТБ бошлиғи комиссия аъзоси      |
| 3. Дониёров Ёркин      | - Бош ҳисобчи комиссия аъзоси       |
| 4. Тавбоев Абдухалил   | - Автогараж мудири комиссия аъзоси  |
| 5. Хожиев Шароф        | -№3- бўлими бошлиғи комиссия аъзоси |

### КУН ТАРТИБИДАГИ МАСАЛА

Ш.Рашидов туманида жойлашган "Зилол" насос станциясининг №1 агрегатига ўрнатилган 400Д190 русумли насосини ялпи таъмирлаш ишлари бўйича 131060-сонли лотга асосан ўтказилган электрон танловга асосан ўтказилган электрон танлов муҳомадаси.

### ЭШИТИЛДИ:

Баҳолаш танлов комиссияси раиси З. Суёнов сўзга чиқиб, бошқармамиз тасарруфидаги таъмирлаш зарурияти бўлган Ш.Рашидов туманида жойлашган "Зилол" насос станциясининг №1 агрегатига ўрнатилган 400Д190 русумли насосини ялпи таъмирлаш ишларини бажариш бўйича "XARID.UZ" ахбарот порталига энг яхши таклиф учун электрон 18 405 320 сўмга танловга эълон жойлаштирган эдик.

Мазкур эълонга асосан 2022 йил 10 Август куни ўтказилган электрон танловда "ANGREN SPECIAL ELEKTRO REPAIR" МЧЖ томонидан 131060-сонли лотга асосан ўтказилган электрон танловда ғолиб деб эълон қилинди. Юқорида кўрсатилган ишларни бажартиришимиз зарур бўлмоқда. Ўтказилган энг яхши танлов бўйича фикр мулохазаларингизни ва таклифларингизни билдиришларингизни сўрайман.

Кун тартибидаги масала юзасидан комиссия аъзолари Ж. Худойқулов, бош ҳисобчи Ё. Дониёров, А. Тавбоев ва Ш.Хожиевлар сўзга чиқиб ўз фикр мулохазаларини билдирдилар ва танловнинг электрон портал орқали шаффоф ўтказилганлиги, танлов бўйича ҳеч қандай эътироз ёки шикоятлар бўлмаганлигини ўз сўзларида маълум қилишдилар.

Билдирилган фикр мулохазаларни инобатга олиб, танлов комиссияси

### Қ А Р О Р Қ И Л А Д И

1. Мазкур танлов юзасидан ҳеч қандай шикоят тушмаганлиги "ANGREN SPECIAL ELEKTRO REPAIR" МЧЖ электрон танловда ғолиб чиққанлиги сабабли танлов кунун талабларига кўра электрон тарзда бўлганлиги сабабли танлов шаффоф ўткан деб топилсин.

1. Суёнов Зафар
2. Худайкулов Жаҳонгир
3. Дониёров Ёркин
4. Тавбоев Абдухалил
5. Хожиев Шароф